

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 25 май
сешанба
№ 21 (1277)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/



Дониёр ҒАНИЕВ,
Олий Мажлис қонунчилик
палатаси депутати:

АВВАЛ ОТИЛГАН, СЎНГ
ҲУҚМ ЧИҚАРИЛГАН 6-БЕТ

ҲОКИМ ҚАРОРИ
ХОМ ЭКАН 7-БЕТ



КИМНИНГ ДИР
УЙ-ЖОЙИ БУЗИЛДИ 8-БЕТ

“ДЕПУТАТГА БЕПИСАНДЛИК — ХАЛҚҚА БЕПИСАНДЛИК, ДЕБ БАҲОЛАНИШИ КЕРАК”

БУ ТАЪКИДНИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ШАХСАН ЎЗЛАРИ АЙТГАН.

ХАБАРИНГИЗ бор, бир неча кун аввал Андижон шаҳар Кенгаши депутати Шўхрат Каримовнинг миллий гвардия ходими томонидан тинтув қилиниши ҳамда прокурор тақдимномасига биноан унинг дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этилиши жиддий муҳокамаларга сабаб бўлди.

Яна бир бор таъкидлаш лозим, Ш.Каримов ижтимоий тармоқлар орқали Республика Бош прокуроридан андижонлик ерфурушларни фош этиш ҳамда уларнинг бу борадаги Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига зид қарорлари бўйича жавобгарлик масаласини кўриб чиқишни сўраган. Масаланинг энг ачинарли ва

эътирозларга сабаб бўлган жиҳати, халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши ўз депутатини ҳимоя қилолмай, тинтувга томошабин бўлиб турган. Маҳаллий Кенгаш депутатининг куч ишлатар тизим ходими томонидан тинтув қилиниши бу ўша ҳуқуқ посбонининг, унга топшириқ берганларнинг қонунни оччиқ-ойдин оёқости қилишидан бошқа нарса эмас. Бу эса, ҳамюртларимизнинг депутатларга, халқ вакилларига бўлган ишончи ва ҳурматини йўққа чиқариш ҳамда сайловчилари ва бошқа партия депутатлари олдида уни шарманда қилидир.

Ҳўи, мазкур воқеага қўйи палата ва бошқа маҳаллий Кенгаш депутатлари қандай муносабат билдиришиди?

“ҲҲР ОДАМДАН ҲҲРҲРСИЗ ОДАМ ЁМОН...”

ёхуд қонунни бир пулга олмаган
прокурор ҳақида

УЧИБ ЎТСАКМИКАН, ҚАНОТ ЧИҚАРИБ?..



ФОТОФАКТ
ПОЙТАХТИМИЗДА кунсайин янги кўл қаватли уйлар сони ортиб бормоқда. Автомашиналарни-ку, санаб саногига етолмаймиз. Йулочки учун манзилга етиб олишга ҳар қадамда транспорт топилади. Бу қандай яхши!

Шунча қулайликлари бор пойтахтимизда ноқулайликлар ҳам йўқ эмас! Буни, айниқса, пиёдалар кўпроқ ҳис қилишади. Кўпчилигимизда ёмон бир одат бор. Кўчада қандай юришни билмаймиз. Пиёдалар, айниқса! Лекин катта шаҳарда пиёда юриш ҳам осон эмас. Устига-устига, йўллар носоз бўлса! Пиёда юриш нималигини пиёда қолган тушунади. Ҳайдовчилар-ку, пиёдаларнинг укувсизлигидан, белгиланган жойлар қолиб, тақиқланган жойлардан юришидан, йўлни истаган жойидан кесиб ўтишидан нолишди доим. Мақолаимиз бу ҳақда эмас! Пойтахтимизда пиёдалар йулаклари камайиб кетаётгани ҳақида.

3-БЕТ

Сайлов — 2021

ЯҚИНДА Ўзбекистонга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) директори Маттео Мекаччи таширф буюрди. Ушбу таширф давомида мамлакатимизда жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир — Президент сайловига тайёргарлик кўриш бўйича Бюронинг эҳтиёжларни баҳолаш миссияси юртимизга келиши маълум қилинди.

2-БЕТ



УЙНИНГ
ЁНСА ҲАМ
ШУНДАЙ
ТАСВИРГА
ОЛИБ
ЎТИРАСАНМИ?

Манқуртлик ҳам
эви билан-да...

4-БЕТ

— Умуман олганда, мамлакатда коррупцияга қарши курашишда, турли соҳаларда рўй бераётган ўтрилик ва нопокликларни аниқлаш, олдини олиш, тегишли идоралар ва оммани огоҳ этиш учун бу борада хабар берувчиларнинг ўрни катта бўлади. Шу сабабли, коррупцион ҳолатларни фош этган ёки бундай ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни чакимчи ёки “қозёл” деб атаб жазолаш ёки тазйик ўтказиш эмас, балки одамлар орасида уларга нисбатан ҳақиқий ва таннарвар, миллатсевар инсонлар, деган қарашни шакллантириш, шу орқали жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсизлик ҳиссини яратиш муҳимдир.

Лекин парламентда қонунчиликка бу каби ижобий нормалар киритиш таклиф этилаётган бир пайтда, мамлакатнинг бошқа бир бурчагида айнан коррупцион ҳолатларни фош этишга уринган Андижон шаҳар Кенгаши депутати нисбатан прокурор томонидан тақдимнома киритилиб, уни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши шармандали ҳолатдир. Айниқса, депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун ташкил этилган сессияда регламент талаблари кўпол бузилиши, депутатлар миллий гвардия ходими томонидан сессия олди тинтув қилиниши эса жойларда ҳокимиятлар ўртасидаги тийиб туриш принципи амалда “бир пулга олинмаслиги” ва баъзи раҳбарлар қонунларга “тупуриб қўйганини” кўрсатиб қўймоқда.

Мен учун масаланинг энг ачинарли томони, бундай кўпол тарзда депутатларнинг ҳуқуқлари бузилишига Андижон шаҳар Кенгаши депутатлари (бир-икки депутатдан ташқари) ўзлари йўл қўйиб бергани, ҳоким ва прокурор буйругини бажариб, бир овоздан сафдошларини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаб бергани бўлди. Зеро, ўзининг обрўси ва шаънини ҳимоя қилишга ҳаракат ҳам қилмаган депутатларнинг қим ҳам тарафини оларди, уларга қим ҳам ёрдам беришни хоҳларди.

3-БЕТ

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Давоми. Бошланиши I-бетда

ХАЛҚАРО КУЗАТИШ ВА ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

ХАЛҚАРО ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчиларининг сайловларда иштироки демократик сайловларни очиқ ва ошкора ўтказишда муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик мамлакатларда ўтказилаётган сайловларни кузатиш инсонларнинг сиёсий ҳуқуқларининг таъминлишида муҳим жиҳат ҳисобланади.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тadbирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш жойларида ва овозларни санаб чиқишда бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг иштироки этиши мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига белгилаб қўйилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўтказилаётган сайловларда хорижий ва халқаро кузатувчилар сонининг кўпайиши кузатишда: 2016 йилда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 555 (2015 йилда — 296) нафар чет эллик кузатувчи иштирок этган бўлса, 2019 йилги парламент сайловларида уларнинг сони 825 (2014 йилда — 331) нафарни ташкил этди. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда сайловлар туб ўзгаришлар ва демократик ислохотлар, вужудга келаётган янги сиёсий муҳит шароитида ўтказилаётган халқаро ҳамжамиятда ҳам эътибор кучайиб бораётганидан далolatлардир.

Ўтган сайловларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, ЕХХТ Парламент ассамблеяси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг Парламентларо ассамблеяси каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва сайлов органларидан кузатувчилар иштироки этган.

Кузатувчилар сайловларда иштирок этар экан, бўлиб ўтаётган сайлов жараёнига баҳо бериш учун маълумот тўплашди, сайлов қонунчилиги ва амалиётини ўрганишди, сайлов комиссиялари фаолиятига баҳо беришди.

БИУРОНИНГ МАНДАТИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг асосий вазифаларидан бири бу инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, барқарор демократик институтлар ва қонун устуворлигини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

ЕХХТга аъзо давлатлар, шубҳасиз ва ҳақли равишда, инсонийлик меъзолари ўлчови масалалари давлатларнинг фақатгина ички иш эмас, балки халқаро миқёсда иштирокчи давлатлар томонидан алоҳида эътиборга олинadиган масала, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда, ЕХХТга аъзо давлатлар томонидан 1990 йилда иштирокчи давлатлардаги сайловлар бўйича алоқалар ва маълумотлар алмашинуви таъминлаш учун “Эркин сайловлар бўйича

бюро” ташкил этилган эди (Варшава). Бюро чекланган миқёсларда сайловларни кузатиш бўйича тadbирларни амалга оширишга киришди.

1992 йилда ушбу тузилма “Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро”, деб атала бошлади. Унинг мандати кенгайтирилиб, инсонийлик меъзоларининг бошқа жиҳатларини ҳам қамраб ола бошлади.

1994 йилдан ДИИХБ сайлов жараёни устидан — сайлов бошланишидан олдин, сайлов даврида ва сайлов ўтганидан кейин кенг қамровли кузатишни бошлади.

ЕХХТнинг 1999 йили Истамбулда ўтган олий даражадаги учрашувида қабул қилинган “Европа хавфсизлиги Хартияси”да иштирокчи давлатлар ўзларидagi сайловларни кузатиш учун ДИИХБни таклиф этиш юзасидан зиммаларига махсус мажбурият олдилар. 2006 йилда Брюсселда ЕХХТ Вазирлар кенгашининг учрашувида иштирокчи давлатлар ДИИХБнинг сайловларни кузатиш бўйича мандатини яна бир бор тасдиқлади.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг сайловлар ўтказиш жараёнида ЕХХТ ДИИХБ билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бундай ҳамкорлик самараси ўларoқ, мамлакатимиз миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэтироф этилган халқаро демократик стандартларга уйғунлаштириш орқали фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини янада кенг ва тўла таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу ҳамкорлик ўзининг 22 йиллик тарихига эга. Бюронинг Миссияси 1999 йилдан бери мамлакатимизда парламент ва Президент сайловларини кузатишда иштирок этиб келмоқда. Бу эса, Ўзбекистонда сайловларни умумэтироф этилган ва энг илғор амалиёт, мамлакатимиз сайловлар соҳасида олган мажбуриятларига асосан адолатли, ҳалол ва шаффоф ўтказилишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бу борада ЕХХТ ДИИХБ Миссиясининг ҳар бир сайлов натижалари бўйича Яқиний ҳисоботида ўз аксини топан тавсияларнинг мақбуллари Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва амалиётига имплементация қилиниб, сайловларга оид миллий ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг сайловларни кузатиш борасидаги бир қатор тавсияларини амалга оширди. Сайловга оид қонунлар ва қонунности ҳужжатлари тизимлаштирилиб, ягона Сайлов кодексига бирлаштирилгани, сайлов жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилгани каби кўплаб кўрсаткичлар бунинг ёрқин далилидир.

Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ЕХХТ нинг ДИИХБ ролини алоҳида таъкидлаш лозим. ДИИХБ сайловларни кузатиш бўйича миссияси то-

монидан миллий сайлов ҳуқуқий меъёрларини тизимлаштириш ва тартибга солиш зарурлиги 2016 йилдаги мuddатидан олдин бўлиб ўтган Президент сайлови бўйича Яқиний ҳисоботда ҳам ҳуқуқий меъёрларни уйғунлаштириш масаласини кўриб чиқиш бўйича тавсиялар берилган эди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Сайлов кодексининг қабул қилиниши миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистонни халқаро имиджини янада юксалтириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида сайлов соҳасида халқаро стандартлар ва бир қатор хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига таянилди. Шунингдек, лойиҳа юзасидан халқаро экспертиза ўтказилиб, ДИИХБ ва Европа Кенгашининг Венеция комиссиясидан тавсиялари ва тегишли хулосалари олинди.

ЭХТИЁЖЛАРНИ БАҲОЛАШ МИССИЯСИ ЎЗИНИМА?

ЕХХТда иштирокчи давлатлар томонидан белгиланган қондаларга мувофиқ, ДИИХБ сайлов жараёни билан боғлиқ ваколатлар доирасида иштирок этувчи давлатларга сайлов қонунчилигини такомиллаштиришда ва амалга оширишда ёрдам беради. Кузатувчилар томонидан қўлланиладиган Сайловларни кузатиш бўйича қўлланилган ишлаб чиқади, сайловларнинг ўтказилишини ЕХХТ мажбуриятларига ва демократик сайловлар бўйича бошқа халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолайди ва тавсияларни тақдим этади.

Бюро сайловгача, сайлов пайтида ва ундан кейинги жараёнларни кузатиши мумкин. Сайловгача кузатиш тadbирлари Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) ишидан бошланади.

Одатда, ЭБМ мамлакатта муайян сайлов бошланишидан бир неча ой олдин сайловдаги вазиятини, шу жумладан, сайловга тайёргарликни баҳолаш учун юборилади.

Миссиянинг асосий вазифаси — сайлов билан боғлиқ тadbирларни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги хусусида тавсиялар ишлаб чиқишдан, агар шундай тadbирлар зарур бўлса, уларнинг айнан қандай шаклда бўлиши аниқланган эҳтиёжларга яхшироқ жавоб беришини белгилашдан иборат. ЭБМнинг ишлаш даври бир неча кунни ташкил этади. Миссия таркибига ДИИХБнинг сайловлар бўлими ходимлари ҳамда бошқа мутахассислар кирди.

ЭБМнинг ташрифи давомида сайлов органлари ва давлат ҳокимияти органларининг вакиллари, сиёсий партиялар, ОАВ, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва ЕХХТнинг жойлардаги миссиялари ходимлари, шунингдек ЕХХТга иштирокчи давлатларнинг дипломатик вакиллари ва бошқа тегишли халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан учрашадилар ва сайлов

билан боғлиқ фаолият хусусида тавсиялар тайёрлайди.

ЭБМ ҳисоботида сайлов билан боғлиқ у ёки бу тadbирнинг аниқ шакли, ҳажми ва миқёси ҳақидаги тавсиялар киритилади.

ЭБМ томонидан сайлов билан боғлиқ жараёни кузатиш бўйича фаолиятининг қуйидаги шаклларида бири тавсия этилиши мумкин:

- сайловни кузатиш бўйича тўлақонли миссия;
- сайловни кузатиш бўйича чекланган миссия;
- сайловни баҳоловчи миссия ёки экспертлар гуруҳини юбориш.

Ҳисоботда назарда тутилётган миссия вазифаларини бажариш учун зарур бўладиган экспертлар сони, шунингдек, сайловни ҳар томонлама кузатишни таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлардан сўралиши мумкин бўлган узоқ мuddатли кузатувчилар ва қисқа мuddатли кузатувчилар сони кўрсатилади.

Жумладан, 2019 йилги парламент сайловларида ДИИХБнинг ЭБМ Ўзбекистон тарихида ilk бор сайловлардан олти ой аввал таклиф этилган эди.

ЭБМ ҳисоботида сайловдаги муҳити ва сайловларга тайёргарлик жараёни, мамлакатда эркин ва демократик сайловлар ўтказилишини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-tadbирлар ижобий баҳоланади.

Хусусан, ЭБМ ҳисоботида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳасида, шу жумладан, валютани тартибга солишни либераллаштириш, виза режимини соддалаштириш ва қўшни мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, бир қанча сиёсий маҳбۇсларни озод этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги узоқни қўллаб-қувватлаш аниқлаштирилган ислохотларнинг янги босқичи алоҳида қайд этилди.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши, жазони ўташ жойларида сақланаётган айрим тоифадаги шахсларнинг сайловларда иштироки борасидаги чекловларнинг олиб ташлангани, тўғридан-тўғри сайлов принципларига зид бўлган Қонунчилик палатасидаги ўринлар учун квоталар институтининг бекор қилиниши ва ЕХХТнинг яна бошқа бир қатор мақбул тавсиялари бажарилгани ижобий баҳоланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЭБМ Ўзбекистонда парламент сайловларини кузатиш учун ЕХХТ ДИИХБ нинг кенг қўллаб-қувватлаш миссиясини юбориш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса берди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси ЕХХТ ДИИХБ билан конструктив мулоқотга тайёр ва очиқ ҳамда сайловларнинг барча босқичларини чинакам эркин, демократик ва адолатли ўтказишда олиб борилаётган ҳамкорликдан кенг ва самарали фойдаланади.

Гулноза РАҲИМОВА,
Ўзбекистон Республикасининг
Марказий сайлов комиссиясининг
доимий асосда ишловчи аъзоси



“ДЕПУТАТГА БЕПИСАНДЛИК ХАЛҚҚА — БЕПИСАНДЛИК, ДЕБ БАҲОЛАНИШИ КЕРАК” БУ ТАЪКИДНИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ ШАҲСАН ЎЗЛАРИ АЙТГАН.

Гулбахор ОРТИҚҲҶАЕВА,
Халқ депутатлари Чиноз туман Кенгаши депутати:

“Ўйнашмагин **АРБОБ (ПРОКУРОР) БИЛАН,** арбоб урар ҳар боб билан...”

— Депутатнинг дахлсизлик ҳуқуқи бузилиши қонунларнинг ишламаслигидан эмас, айнан кундалик иш фаолиятида ҳар кун қонун билан ишловчиларнинг қонунларни ҳурмат қилмаслигидан далолат! Бу масаланинг бир томони. Тортишган, қонун доирасида ҳаққини талаб қилган, ҳар сессияда ўрнидан туриб дадил-далил фикр билдирган депутатни ҳокимлар хушламаслиги бор гап. Ҳокимларнинг депутатликка номзоди қўйилиши масаласини қонунан бекор қилиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Лекин бу мавзуда жуда кўп гапирилса-да, қонуний ечим топилганича йўқ!

Виждон тарозусига солиб кўрилса, депутатта бундай муносабат уни очик-ойдин хўрлашдир. Хўрлаш деганимнинг сабаби бор — ҳудудий кенгаш депутатининг иши тўла маънода жамоатчилик асосида, унинг ойлик маоши йўқ! Уша депутат ҳоким ёки прокурордек катта маош олмайди. У халқнинг виждони, фақат халқ учун ишлайди! Ўзингизни унинг ўрнига қўйиб кўринг.

Сессияда эркин галини айтолмас, дахлсизлиги очик-ойдин оёқости қилинса, у нима учун ишласин?! Шу шароитда уни қо-

нун ҳимоя қилмаса, қачон ҳимоя қилади?!

Яна бир масала — депутатлик сўровига тайинли жавоб ополмаган депутат халққа нима десин? Халқнинг ишончини қозонаман, деган депутат бўзининг моки-сидек идорама-идора сарсон. Ундан юқорироқ ташкилотга сўров чиқаради, бу ҳол давом этаверади. Депутатлик сўровларининг қонуний кучи бўлиши керак! Бунинг учун қонунчилигимизда алоҳида норма ишлаб чиқилса, сўровга тайинли жавоб қилмаган, чора кўрмаган амалдорга жазо тури бўлса, натижа ҳам кутилгандек бўлади. Ҳозирги шароитда бора-бора депутатнинг сайловчилари олдида ҳам, амалдорлар олдида ҳам ҳурмати қолмайди. Андижондаги воқеа бунинг ҳаётий исботи!

Ҳозир маҳаллий Кенгашларда депутатларнинг одоб-ахлоқини назорат қилувчи доимий комиссиялар бор. Бу комиссиялар ўрнига депутатларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи комиссия тузилиши керак. Майли, ўша комиссия қонун доирасидан чиқиб кетган депутатнинг фаолиятини назоратта олсин, лекин дадил туриб депутатни ҳимоя қила билсин! Токи, сессияда депутат тинтув қилинмасин!

Худудларда сайловчилари депутатдан муаммосига ечим сўрайди. Ҳатто, айрим маҳалла масъуллари ҳал қилса бўладиган нарсаларнинг ечимини ҳам халқ депутатдан сўрайди. Ўзини қарасанга қўшдай ҳис қилмаслиги учун депутатта таҳдид бўлмаслиги керак. Депутатга таҳдид қилганларга қонуний жазо берилиши шарт! Сабаби, маош олмай, фидойиллик билан ишлаб юрган депутатга таҳдид — халққа беҳурматлик, дегани!

Кези келганда алоҳида қайд этиш лозимки, Адлия вазирлиги “Депутатни тинтув қилиш ва ўз ваколатларини амалга оширишга монелик қилиш ноқонунийдир”, дея баҳолади. Вазирлик томонидан билдирилган муносабатга мувофиқ, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунга қўра, ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароит кафолатланади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати муҳофаза қилиниши, депутатнинг шаъни ва кадр-қиммати тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий ёки ўза тарзда жавобгар бўлиши, депутатлик ваколатла-

рини амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида депутатга қандай тарзда бўлмасин таъсир кўрсатишга йўл қўйилмаслиги, депутат олдидаги ўз вази-фаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлғон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий Регламентига мувофиқ, сессия ўтказиладиган вақт, сана ва жой ҳамда кун тартиби Кенгаш депутатлари эътиборига сессия очилишидан камида етти кун олдин етказилиши, депутатларга танишиб чиқиш учун ҳужжатлар юборилиши, сессиялар очик, ошкора ўтказилиши ва оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши, зарур ҳолларда Кенгаш ёпиқ сессия ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.


Бироқ, мазкур Кенгаш сессиясида депутатларнинг дахлсизлиги бузилиб телефон ва овозли

видеога олувчи мосламаларни олиб кириши тақиқланган ҳамда айрим депутатлар тинтув қилинган. Бинобарин мазкур ҳолат бўйича адлия органлари томонидан халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши ҳамда Миллий гвардия Андижон вилоят кўриқлаш бошқармасига тақдимномалар киритилди. Унда, келгусида бундай қонунбузилишларга йўл қўйилмаслиги ҳамда айбдор шахсларга нисбатан чора кўриш сўралган.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик, шу жумладан, ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Хулоса ўрнида юқоридаги аянчли воқеага Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари муносиб жавоб бўлади, деб ўйлаймиз: “Депутатга беписандлик — халққа беписандлик, деб баҳоланиши керак. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради”.

“Инсон ва қонун” мухбири
Хуршид СУЛТОНОВ,
ёзиб олди



ФОТОФАКТ

УЧИБ ЎТСАКМИКАН, ҚАНОТ ЧИҚАРИБ?..

Давоми. Бошланиши 1-бетда

“НОВЗА” метро бекатидан чиқиб, Муқимий кўчаси бўйлаб пиёдалар йўлагидан юриб кетар эканман, ортимдан келатган машина босиб-босиб сигнал чалади. Ортимга ҳайрон қарайман. Мен қонун йўл берган йўлдан бораялман, лекин нега ортимдаги машина ҳайдовчиси бунча жигибийрон?! Қўйиб берса, пиёданни босиб кетишга тайёр!

Автомашиналарнинг оғирлигидан пиёдалар йўлагига терилган бетон бўлақлари ўрнидан кўзга-либ, синиб-синиб кетган. Қоқилай-қоқилай, деб ноиллож ортимдаги машинага йўл бераман. Мен-ку майли, чақалогини сайрга олиб чиққан келинчак ҳам болалар аравачасини тезроқ ҳайдаб, машинага йўл бермоқчи бўлади. Аммо йўлнинг носозлигидан қийналади, аравачанинг гилдирақлари бир томонга оғиб, эндигина ширин уйқуга кетган чақалогини чир-чир йиғлайди.

Ҳайдовчи эса ўзининг айбини сезмай, кетаётган йўлга қарашнинг ўрнига менга ўқрайиб қарайди. Худди уни шу кўчадан юришга мен мажбур қилгандай, гудранади. Бунга ўхшаш ҳолатларга ҳар кун дуч келамиз. Ишимиз кўп, вақтимиз тигиз, ҳаммамиз ҳам шошиб юрамиз, эътибор бермаймиз. Агар эътибор бериб қарасак, юқоридаги каби ҳолатларда айбдор кимлиги аён бўлади.

“Учиб ўтсакмикан, қанот чиқариб?...” Пиёдалар йўлагига қоқилиб юрганамда шу фикр хаёлимдан

ўтади. Айниқса, ёмғирли кунларда йўлакчалардаги бетон синиқлари тагидан лой аралаш сув устингизга сачрайди. Бу ҳолат қанчалар ёқимсиз, қанчалар ноқулай!.. Пиёда кетаётган йўловчи ҳар қанча савлатли одам бўлмасин, одам боласининг оёқлари бу бетон плиткаларни синдиришга ожизлик қилади. Уни тенг иккига бўлиб, ўрнидан кўзгатиш учун паҳлавондек бўлиш керак камида.

Бир нарсага ҳайрон қоламан. Қонунчилигимизда жазо турлари кўп. Ҳайдовчилар учун ҳам, пиёдалар учун ҳам! Менда кўпчиликка ёқмайдиган бир таклиф бор — пиёдалар йўлагидан юриб, шаҳримизга кўрж бўлиб турган, йўловчиларга қўлай бўлган бетон плиталарини эзгилаб кетаётганларга, автомашинасини пиёдалар йўлагига қўяётган ҳайдовчиларга ҳам жарима тайинлашни керак! Токи, қанча маблағ, қанча меҳнат эвазига йўлсозларимизнинг пешона тери билан бунёд бўлган пиёдалар йўлакларини қаровсиз қолмасин, халқимизга кўп йиллар хизмат қилсин! Пиёдалар ҳам, ҳайдовчилар ҳам ўз йўлидан юришсин!

Мутасаддилардан бундай ноқулайликларга чек қўйилишини, пиёдалар йўлакларига ҳам автотранспорт воситалари учун тақиқловчи йўл белгилари ўрнатилишини, керак бўлса, жарима тури белгиланишини кутиб қоламиз.

Гули ОЛИМОВА

Қонунчиликдаги янгиликлар

“ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНДА НИМАЛАР
ЎЗГАРДИ?

ПСИХИАТРИЯ ёрдами кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2021 йил 12 майда “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Қонунни ишлаб чиқишда АҚШ қонунчилигига ўхшаш госпитализация мезонлари кўриб чиқилган. Россия, Беларусь ва қўшни давлатлардаги қонунчилик меъёрлари ўрганилган.

Мазкур Қонун психиатрия ёрдамининг барча йўналишлари бўйича норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилишига, шу жумладан, ихтиёрий, гайриихтиёрий ва мажбурий психиатрия ёрдами кўрсатишга, соҳада манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлигини таъминлашга имкон беради. Фуқароларнинг психиатрия ёрдами олишдаги эркинликлари ва қонуний манфаатларини ифодалаб, уларнинг ҳаётига асосиз аралашувлардан, руҳий ҳолати бузилган шахсларни жамиятда асосиз камситилишидан, айна вақтда жамиятни бундай шахсларнинг ижтимоий ҳавфи қилмишларидан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қонунга мувофиқ, психиатрия ёрдами кўрсатишнинг асосий принциплари қонунийлик, ижтимоий ҳимояланганлик, инсонларпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, ахборотнинг махфийлигидан иборатлиги белгиланди.

Психиатрия ёрдами шахс ихтиёрий равишда мурожаат этган ва унинг маълумотлари билан ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда кўрсатилади, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Шунингдек, Қонун билан руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Хусусан, улар ўзида мавжуд бўлган руҳий ҳолати бузилишининг хусусияти ва қўлланилаётган даволаш усуллари ҳақидаги ахборотни ўзи учун тушунарли шаклда, ўз вақтида ҳамда тўлиқ олиш, шунингдек, стационар шариотларда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббиёт муассасасида фақат психиатрия ёрдами кўрсатиш учун зарур бўлган муддат мобайнида бўлиш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Қонунда психиатрия ёрдами кўрсатиш бўйича фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига эга шахслар доираси аниқ белгилаб қўйилди. Унга кўра, махсус олий тиббий маълумотга эга тиббиёт ходимлари (шифокор-психиатр, тиббий психолог ва психотерапевт) психиатрия ёрдами кўрсатиш бўйича шифокорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, диспансер кузатувида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ягона электрон реестри юритилиши белгиланди. Реестр руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг паспорт маълумотлари (идентификацияловчи ID-карта маълумотлари), диспансер кузатуви ўрнатилган ва тугатилган саналар, психиатрия муассасаларида бўлиш муддатлари, берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва тақдим этилган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Лобар РОЗИМОВА,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот
маркази масъул ходими

УЙИНГ
ЁНСА ҚАМ
ШУНДАЙ
ТАСВИРГА
ОЛИБ
ЎТИРАСАНМИ?Манқуртлик ҳам
эви билан-да...

МАКТАБ — муқаддас даргоҳ. Худди масжид каби. Масжидни Оллоҳнинг уйи, деб қанча эъзозласангиз, мактабни ҳам таълим даргоҳи, қалбларимизни илм зиёси билан ёритадиган кутлуг маскан тимсолида қадрласак арзийди. Қисқа қилиб айтганда, мактаб илм беради. Оллоҳ ҳам илм олгувчиларни севгувчидир. Мактаб қалб кўзингни очади. Худдони ҳам, Иймонни ҳам, Ватанни ҳам, Халқни ҳам сен қалб кўзинг билан танисанг, чин маънода Инсон бўласан.



Бугун киши қалбини қайгули бир хавотир ларзага солаяпти. Атрофимизга нигоҳ ташлайлик. Ҳаммининг ҳам қалб кўзи очикмикан? Нега ўзимизни алдаймиз? Китобдан, маънавиятдан, одамийлик ва оқибатдан узоқлашиб бораётган тўдалар гирдобини сезмаяпмизми?

Дунёни тараққиёт кутқаради, деган баландпарвоз руҳдаги башарий ақидага тёрс тарзда тараққиётдан ойболта ясаб, ўзимиз ўтирган шохни ўз кўлимиз билан кесиб ташламаймизми? Қарсиллаб қуласак-да, безлашган қалбу танамиз оғриқни сезмаяпти. Ҳа, биз безлашмаяпмиз, кўникаяпмиз.

Бугун ҳаммамиз кўл телефоннинг ичига қайтмас бўлиб кириб бораёпмиз. Буни сезмаяпмиз. Буни сезиш учун одам ташқаридан, тепароқдан туриб ўз аҳволига назар солиши керак. Қўл телефон бизни ютиб юбормоқда. Ўзингиз-ку майли, ҳеч бўлмаса, фарзандларингиз эртаси учун қайгулинг. Уларни шу ўпқондан кутқаринг. Қўлига китоб, газет-журнал беринг. Ҳеч бўлмаса, болангиз ўз она тилида бехато ёзишни ўрганади, болангизда фикрлаш қобилияти тирилла бошлайди. “Келажак тилпони бор ёшлар кўлида. Демак, ёшлар ҳам, келажак ҳам тилпоннинг кўлида...” Бу гапни оддийгина ҳамқишлоғим киноя билан айтди. Лекин дунёнинг ақлини шоширадиган аянчли ҳақиқат бор бу ерда.

Кекса бир амаки йўл четидан йиқилиб қолди. Ёнидаги дорисини олишга мажбури йўқ, титрапти. Йўлнинг бу тарафидан турган кўл телефони бор арзанда болакай уни алкашга менгзаб, телефонга тушириш билан овора. Бечора ўлим билан олишяпти, юраги тўхтаётгандай, деб турибди, йўл четиданги ипириски тиржагади. Ўз ишига маҳлиё. Олдин шундайидик, болаларимиз шунчалар худоба-хабармиди? Бу ҳолни мен қандай баҳолашни билмайман. Тап-тай-ёр шафқатсиз, ёвуз махлуқнинг қиёфаси кўриниб турибди анави болакайда.

Икки аёл бозорда бир-бири билан уришяпти. Эшитсанг, эсинг кетадиган гапларни айтишиб, шаллақилик қилишяпти. Агар бозор атрофида гингшиб юрган кучуқларга забон битганда эди, аёл деган махлуқотнинг бунчалар шармандаи шармисорлигидан дод солиб юборарди. Лекин биз аёл деган, гўзаллик маъбудиди, деган тушунчаларни оёқости қилиб, томоша кўрсатаётган бу шаллақиларнинг жазавасига чидаб, уялмай-нетмай видеога олиб тарқатиш даражасига келиб қолдик. Эрак талашган аёлларнинг ур-тўполон жангини бемалол тасвирага тушириб, оммага тарқатган эракни нима деб тушунмоқ мумкин? Бу ориятсиз кимса эракликка, эрликка муносибмикан? Ўз қавминг, миллатинг аёлларини шарманда бўлганини дунёга ёйиб нима қиласан? Ўзбекмисан, гуруринг борми? Айна дамда ўша “самосуд”чи аёллардан ҳам паст, ўзингни шарманда эканлигингни кўрсатаяпсан-ку! Тасвир учун телефон тутган қўлинг синиб тушса ёки шу шаллақибедодликка томошабин бўлиб турганингдан кўра кўзинг оқиб тушса бўлмасмиди, деган хаёлга бораман. Эрак киши эрак бўлиб яшати керак. Қизинг ҳам, онанг ҳам, хотининг ҳам шу миллатга мансуб эканлигини унутма.

Ҳаёсизга ҳайит бегона. Энг ёмони, биз ҳаёсизликка кўникиб бораёпмиз. Ўз-ўзимизни ҳақоратлаш, юзинг-кўзинг демай бир-биримизга йиртқиқлашиб чанг солиш, бошқаларимиз бунга томошабин бўлиб, бу кўргуликни ижтимоий тармоқлар орқали тарқатишимиз етмагандай, муқаддас, деб саналган кадрларни ҳам бемалол топташ даражасига етиб келдик. Миллатимизнинг улуғ даҳолари ҳайкалларини ҳақоратлаш, уларнинг ёнида турли хил қилиқларни намойиш этиш, аждодлар руҳидан кўркмаслик, нима бу, манқуртлик эмасми? Манқуртлик ҳам шунча бўлар-да. Бугунги ёшу кексалар бирор бир китоб ёки спектаклдаги воқеаларни эслай олишмас, лекин ҳайкаллар билан боғлиқ, улугларимизни ҳақоратлаш борасидаги бу бачкана бир қанча телефон тасвирларни яхши эшлашади.

Биз шу даражага етдик, муқаддас даргоҳларимизни ҳам тепкилаяпмиз. Мактаб биносида ҳаммининг кўз ўнгида бовил қилган ўқувчи, буни уялмай тасвирга олиб турган тенгдошлари ҳам ўзимизнинг болаларимиз эмасми? Айтнинг, улар ойдан тушган, бундай бўлиши мумкинмас денг... Билим даргоҳи, покиза илмгоҳга шундай муносабатда бўлган боланинг қалб кўзи кўр эмас, деб айтолмасми? Уларнинг бу аҳволга келишига ким, нима сабабчи бўлаяпти? Билимсизлик. Китобсизлик. Иймонсизлик. Болалар китобдан узоқлашгани сари жаҳолатга яқинлашадилар. Биз уларнинг кўлига телефон бериб, бу ҳодисани янада тезлаштирдик. Очиғини айтиш керак, ўзимиз ҳам гўр эмасмиз, фикри-зикримиз шу кўл телефонда. Шунга боғлиқ қолдик, такрор бўлса-да, айтмай, катталар китобдан узоқлашган замонда, болаларнинг қисмати қоронғу тортиши табиий.

Ғийбатга ўрганиб қолган кимса ҳамisha бошқаларнинг нуқсонини ахтаради. Фақат ёмон жиҳатларни тасвирга олиш, ундан хузурланиб, шафқатсизликни ёки уятли ҳолатни, элга ёйишни касб қилиб олганлар ҳам яхшилик ва ёруғликни кўрмайдилар. Чунки яхшилик ва ёруғлик инсоннинг қалб кўзи билан кўрилади.

Яна бир мисол, ҳамкасбим кўйиниб ёзмоқда: мактаб ёнапти. Кимдир эса ёнғинни телефон камераси орқали тасвирга олиш билан банд. Хой инсон, муқаддас даргоҳга ўт кетиб турган чоғда уни бемалол кузатиб, тасвирга олиш учун одам боласининг онги батамом ириб-чириб кетган бўлиши керак-ку. Одаммисан, ахир? Мактабни миллатнинг уйига қиёс қилиш мумкин. Миллатнинг уйи ёнапти. Миллат ўйи, деганда Сен ўзингнинг ҳам уйингни тушушининг керак эди. Сен бунга бепарво қарадингми, демак тезаклашган онгинг билан ўз хонадонинга ўт кетса, унда ота-онанг ёнаётган бўлса-да, бемалол тасвирга олиб ўтираверасан... Бу кетишимизда шундай гайриоддавий қиёфага кириб қолиш ҳеч гап эмас.

Биз кўп нарсаларни йўқотмоқдамиз. Бизни одамийлик ташлаб кетмоқда, анироғи, одамийлик туйғуларини уйғотиб турадиган муқаддас тушунчалардан опислашиб кетаяпмиз. Кеч эмас... болангизнинг қўлига китоб беринг!

Кўчқор НОРҚОБИЛ

СОХТА ҲИСОБОТЛАРНИНГ КИМГА КЕРАГИ БОР? УЛАР АЁЛНИ БАХТЛИ ҚИЛОЛМАЙДИ...

Таҳририят:

БУГУННИНГ имтиҳонлари, синовлари бошқача. Бугун биз мўқаддас, деб ўйлаган жуда кўп туйғуларга путур етгандек гўё. Кеча севиб ўйланган аёлига бир парча жойни раво кўрмаслик, бир бурда нонни қизганиш бизнинг ота-боболаримизга хос эмас. Ўз фарзандини ажрашган аёлига қўшиб кўчада қолдирган, алимент тўламаслик учун турли найрангларни ўйлаб топаётган, аслида имконияти етарли “олижаноб”, “саховатли” эркаклар бизга бегона, миллатимизга муносиб эмас... Аммо ҳар қадамда, ҳар куни ана шундай ҳолатга, ана шундай иллатга дуч келаямиз.

Аёл муаммоси ҳақиқатан ҳам жамиятнинг энг оғриқли муаммоси бўлиб қолди. Чунки аёл бахтсиз бўлган жойда на тинчлик, на осойишталик, на ҳаловат, на фароғат бўлмаслиги аниқ.

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Аёллар масаласида ташки сийёсатда анча илгарилар кетдик. Конституция-мизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканликлари мустаҳкамлаб қўйилди. 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларнинг таъини ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Парламентда, маҳаллий Кенгашларда депутат-аёллар сонининг ортгани, аёлларнинг туман ва шаҳарларга ҳокимлик лавозимларига сайлангани, турли идораларда хотин-қизларнинг юқори мансабларга тайинлаш кўрсаткичлари анча ўсди. Гендер тенглиги, деган тушунчанинг талабларига жавоб бера бошладик. Аммо бу кўрсаткичлар билан аёлларнинг оғирингил, узоғи яқин бўлиб қолмаслигини ҳам тан олиш керак. Ишсиз, оиласиз, ёлғиз, бошпанасиз, жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар сони бу билан камаймайди. Сохта тенглик билан қачонгача чиранамиз? Тўғри, ҳаммани бахтли қиладиган қонун йўқ. Аммо...

Ички сийёсатда оқсоқлигимизча қолаяммиз. Ички сийёсат нега ва қачон издан чиқди? Мақтаб ўқувчилари она бўлган иснодларни яширганимизда, ёшлар бемаъни кўчаларда адашиб, ўз фарзандини ахлат кутиларига ташлаб кетган ҳолатлар пайдо бўлганида, аёл никоҳсиз “орттирган” ўз дилбандини пулга сотганида, ўз тинчини ўйлаб, беғуноҳ боласини етимхонага топширганида, ор-номус бир пулга қиммат бўлиб қолганида, қачон ички сийёсатнинг кўчаларини зулмат қоплади, ички дардимиз қачон чилқонга айланиб, кўпириб чиқди? Бугун бу дардга яна бир ваҳшийлик кўриниши кўшилиб, миллатимиз юзини ерга қаратганига ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ.

ВАҲШИЙЛИК НЕГА ЖАВОБСИЗ ҚОЛМОҚДА?

Ижтимоий тармоқларда муҳокама бўлаётган андижонлик келинчак билан боғлиқ воқеалар... Бу ёвузлик ҳақида гапириш, ёзиш қийин, албатта. Уруш йилларида немис газандалари кексаларни ҳўрлаб, болаларни азоблаб газ печларида ёқиб юборганини фильмларда кўриб, китобларда ўқиб, қанчалик қалбимиз ларзага келган, нафратдан юрагимиз тилка-пора бўлган. Орадан қанча-қанча йиллар ўтган бўлса-да, ўша машум воқеалар, ўша тахқирланган халқнинг кўз ёшлари кўзимизда, қалбимизда қотиб қолгандек... Уруш даҳшатларини ҳар гал эсга олганда, ўша аччиқ оғриқлардан, ёвузликлардан танамиз зиркирагандек бўлади. Ёвузлик ҳақида ўйлашнинг ўзи инсоннинг юрагини ларзага солади.

Бугун шундай тинч ва осойишта замонда ўз ота-онасига, ўз синглисига, ўз хамюртига, ўз кўшнисига, ўз миллатдошига ёмонликни раво кўраётган манфурлар орамизда, ёнимизда эканлиги қанчалар аянчли ва кўрkinчли. Бир вақтлар “сут кўр қилгур ҳароми, Гитлер окпадар”, деб босқинчи немис фашистларни бор нафратимиз билан лаянатлаган бўлсак, бугун ундан ҳам баттар окпадарлар билан бир ҳаводан нафас олаяммиз. Нега қўлига пичоқ олиб, ўз қавмини қонга белаган қонхўрларни кечиришга ўргандик, нега беғуноҳ норасидаларга, аёлларга айтиб бўлмас зўрлик қилаётган “хайвон”ларга инсонпарварлик қилинаяпти, нега? Нега инсон боласи шу қадар тубанлашиб кетди? Нега бундай ҳолатлар

такрор-такрор содир бўлаяпти-ю, нега кескин чоралар кўришга шошилмаяммиз? Керак бўлса, қонунларга ўзгартиш киритишга, бундайларга қилмишига яраша оғир жазолар беришга ким ёки нима ҳалакит бераяпти? Бундай муҳиш воқеанинг изи “назоратга оламиз”, “кўриб чиқамиз”, “ечим топамиз”, деган ёлғонлар билан йўқолмайди. Бу саволларга, бу оғриқларга жавобни, бу ифосликларга муносиб жазони асло кечитириб бўлмайди. Ва, жинойи жавобгарликнинг кучи эса, ҳар ким ўз қилмишига яраша жазосини олиши, жазо муқаррарлиги бўлиши шарт.

ҲОЖИГА АЙЛАНГАН МОЖАРО

Кўп иллатларнинг негизида билимсизлик, беҳаёлик, ахлоқсизлик ва беандишаликни кўриш мумкин. Олимлар нима сабабдан эркак ва аёл можароси бу қадар кескин тус олганини шарҳлаб, изоҳлаб бера олармикан? Улар ўртасидаги зиддият нега бунчалик кескинлашди? Нега аёл ва эркак бир-бирига душманга айланиб қолди? Бир-бирини тушунмасдан, ўйламасдан, шошилиб оила қуриш оқибатими? Турмушнинг синовларидан ўтишга ожизликми? Билимсизлик оқибатими? Бекорчиликми? Тўқликка шўқликми? Ўзаро хурматнинг йўқлиги? Ахлоқ ва маънавиятни оёқости қилиш оқибатими? Бундай саволлар кўп. Саволларга жавоб ўрнига кўпчилик тинчгина ажралиш ҳақидаги фикрларини билдиради. Тўғри, ажралиш бахтсизлик эмас. Бахтсизлик бирга яшаб, бир-бирини тушунмаслик, бир-бирига ёвга қарагандек қараш, ҳақоратлар, ҳар куни уйда жанжал кўтариб, беғуноҳ болаларнинг дилини вайрон қилиш, уларнинг ҳаётини бир умрга захарлаш бахтсизлик аслида.

Мана оддий мисол.
...Хатирчидан шаҳарга кўчиб келган бу ёш оиланинг можаросини ҳеч ким тўхтатолмади. На шаҳар ҳокимлиги, на маҳалла, на хотин-қизлар кўмитаси, на имом хатиба, на ота-она, на ўртадаги норасида икки фарзанд, ҳуллас, ҳеч ким бу оилга ёрдам бера олмади, жанжаллари барҳам топмади. Эр-хотин ажрашмоқчи, тамом-васалом. Бошқа гап ҳам, бошқа йўл ҳам йўқ. Тезроқ ажратиб, уй-жойларини ажратиб беришларини сўраб, юз марта маҳаллага, хотин-қизлар кўмитасига, судга боришди. Суд оила бузилмасин, болалар тирик етим бўлмасин, деб ярашми учун муҳлат берди, хотин-қизлар кўмитаси ва маҳалла фаоллари эса биллавий ажримлар сони кўпаймасин деб, бу оилани яраштириш максасида ажратишни пайсалга солаверди. Баъзан яхшиликка хизмат қилади, деган ҳаракатимиз ёмонлик билан тугаши қимнинг ҳаёлига келибди дейсиз. Мазкур оила можароси ҳам ана шундай яқун топди. Бир-бирига аллақачон душманга айланиб улгурган оила бошиқлари одатдагидек жанжаллашиб қолишди. Мажоро фожиага айланди. Эркак уйда беғуноҳ болаларнинг кўз олдига аёлни бўғиб ўлдирди. Она вафот этди. Ота темир панжара ортига кетди. Болалар ҳам отасиз, ҳам онасиз, жароҳатли кўнгил билан қаровсиз қолди. Бу фожиа оилани зўрма-зўраки асраб қолиш, сақлаб қолиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Оила ажримларини тарғиб қилмоқчи, қўлаб-қувватламоқчи эмасиниз, аммо ушбу ҳолатда никоҳни сақлаб қоламан, деб бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлиш, эркакнинг озод-

ликдан маҳрум бўлиши, болаларнинг қалбидagi битмас-туганмас жароҳатлар учун биргина кўрсаткич балоси айбдорлигини айтмоқчимиз, ҳолос.

ЭСКИРМАГАН НАҚЛ: ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ...

Сабрсизлик жуда кўп пайд бераяпти. Батъзи аёлларимиз бундай хунук манзараларни ўзлари “сотиб олаётгани”ни ҳам яшириб нима қиламиз? Турмуш “мушт”ларига бардош берадиган аёлларимиз ўтмишда қолди. Бугун бошига оддий ташвиш тушганда ҳам, дунёни бузишга тайёр дағдага-ю, ваҳима билан жар солишга, оила шайнини йўқка чикаришга, шармандаю шармисор қилишга тайёр опа-сингилларимиз ҳам оз эмас. Момоларимиз “Қўл синса енг ичида битиб кетади, сабр қилган яхши қунарла етади...” деб оилавий келишимовчилик тўғрисида дийдиё қилганларга кўп насиҳат қиларди. Афусаси, бугун бундай насиҳатлар қор қилмайди. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази шелтериди вақтинча бўлиб турган аёлларнинг тақдири билан танишганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Бир — ёши 60 дан ошган аёл. Бугун уми никоҳсиз ўз билганича яшаган. Бир неча бор турмуш қуриб, хоҳлаганда ажралган, фарзандлар орттирган, уларга ҳам тўғри тарбия бера олмаганлиги учун бугун кўчада қолган, ёшлиқдаги хатолари учун “товон” тўлаётган аёл. Яна бири — ўз отасини ўлдириб, 6 йил озодликдан маҳрум бўлган уч болали аёл. Жазони ўтаб қайтгач, турмуш ўртоғи қамқоқхонада тутилган икки боласи билан ундан воз кечгач, кўчада қолган ёш аёл. Буларни кўриб “Қарс икки қўлдан чиқади”, деган гап бекорга айтилмаганлигига яна бир қарра ишонамиз.

Зулм зулматдан баттар. Агар барча “Сизларнинг яхшиларингиз ахлу аёлига яхшиларингиздир”, деган мазмундаги Ҳадисга амал қилганида эди, жамиятдаги бундай кўзга кўринмас, аммо улкан ички тўфонлар, инсонни бу ҳаётдан воз кечишга мажбур қиладиган ситамлар пўртана каби ёрилмасди. Аммо инсон ана шу чигирликлардан ўтиш, ана шу синовларни енгил учун бу дунёга келган. Бу гўзал сабрни, қучли иродани ҳар ким ҳам ўзида топа олмайд, тарбиялай олмайд.





**Отажон Ҳошимов
(1905-1938)**

АВВАЛ ОТИЛГАН, СЎНГ ҲУКМ ЧИҚАРИЛГАН

Жонрид меҳрибон, адолатпарвар амакисининг суҳбатларига орзуманд эди. Шу боис, бўш вақт топди дегунча, унинг ёнига ошиқар, тонггача бўлса-да, у билан мулоқот қилишга тайёр эди. Гарчи, мурғак шуури Отажон амаки айтган сўзларнинг ҳаммасини идрок эта олмаса-да, бир нарсани аниқ фаҳмлар эдики, у киши жуда кўп ўқиган, илмли киши.

— Ватани аскарлар ҳимоя қилмайдими? — сўрарди Жонрид.

— Ҳа, мард ва жасур аскарлар Ватанини ташқи душманлардан ҳимоя қилишади. Аммо зиёлилар она юртини маърифат душманлари, жаҳолатпарвар кимсалардан асрашади. Миллатнинг қадимий урф-одатларига янгича зеб беришади, эъозлашади. Халқ дардини ўз дарди деб билишади.

— Демак, мен илм олиб, зўр зиёли бўлсам, Ватаннинг ҳимоячиси бўларканман-да?

— Албатта, жигарим. Доимо шунинг ёнингда тут, Ватанимизнинг нурли келажаги фақат илму маърифат билангина порлоқ бўлади.

— Отанинг айтишича, менинг исмиمنى сиз кўйган экансиз. Жонрид нима дегани ўзи?

— Жон Рид америколик ёзувчининг исм-шарифи. У "Дунёни титратган ўн кун" деб номланган машҳур асарни ёзган. У ҳар бир халқ овоз ва хур яшашга ҳақли, деган ғояни илгари сурган. Ҳозирча буларни билишинг шарт эмас.

— Амаки, сиз ҳам Жон Ридга ўхшаш китоб ёзмайсизми?

— Вақт-соати келса, ёзарман. Ҳозир бунинг мавриди эмас. Замон кўтармайдми. Балким, улғайганимда озодлик ҳақидаги китобни сөн ёзарсан. Ҳали бахтли кунлар, саодатли онлар келади. Мен бунга ишонаман.

Бу суҳбат бўлганида Жонрид 8 ёшда эди. У энди ўқишни ўрганиб, чиройли хушхатта эга бўлиш учун машқ қилар, ёзганларини амакисига олиб бориб кўрсатарди. Амакисининг фарзанди йўқ бўлгани учунми, болаларни жуда яхши кўрарди. Уларга совға-саломлар, ширинликлар улашарди. Дўстларининг фарзандларига исм танлаб беради. Унинг илтимосига кўра, бир дўсти ўғлига Чўлпон деган исм кўйган экан. Бир куни амакисининг олдида шокеъи бораётганда, галяти воқеанинг гувоҳи бўлди. Шундай билимли, меҳрибон, чин сўз одамни ҳарбийлар кўлига қилан солиб, олиб кетаётган экан. Югуриб бориб, амакисини қучоқлаб олди.

— Менинг гапларимни унут-

ма, Жонрид, — деди амакиси унга жиддий қараганча. Илоҳим, истиқболнинг порлоқ бўлсин. Мен қайтиб келганимдан сўнг мазза қилиб суҳбатлашамиз.

Ҳарбий аскар уни амакисининг бағридан олиб, итариб юборди. Яна югурмоқчи эди, бакуват қўллар уни ушлаб қолди...

Амакисининг меҳрибон боқишлари, ширин сўзлари унинг қалбида бир умрга муҳрланиб қолди. Аммо ваъда берган амаки қайтиб келмади. Жонрид ҳар куни тонгда унинг уйи томон борарди-ю, ёпиқ эшикни кўриб йиғлаб қайтарди. Бир куни отаси нохуш хабар билан келди. Укажонимни отиб ташлабдилар, деб бақариб йиғлади. Бир зумда қариндошлар тўпландилар, марҳумнинг ҳақиқига Кўр'он тиловат қилинди. Барибир у амакисининг қайтиб келишига умид боғларди. Чунки амакиси уни ҳеч алдамаган, доимо айтган сўзининг устидан чиққан. Аммо дийдорлашув онлари негариб кундан-кунга чўзиларди. Орадан йиллар ўтди. Жонрид мактабни аъло баҳоларга битириб,

олийгоҳга ўқишга кирди. Туну кун китоб мутолааси билан машғул эди. Унинг энг катта орузи амакиси сингари зиёли ва маърифатли инсон бўлиш эди. Таҳсил тугагач, у олий маълумотли хуқуқшунос сифатида ишлаш бошлади. Аммо амакиси ҳақидаги ёрқин хотиралар қалбидан мустаҳкам жой олгани учун зиёли инсоннинг номаълум тақдири унга тинчлик бермасди. Тарихни титқилаб, қатагон қурбонларининг аянчли тақдири ҳақидаги ҳужжатларни излаб бошлади. Шу орада тузум ўзгарди. Аста-секинлик билан қаттол сиёсат қурбонларининг номлари оқлана бошлади. Жонрид амакисининг тақдири билан энди жиддий шуғулланиш даври келганлигини англаб етди. Наҳотки, шундай бир самимий, юртсевар, ҳақўй, зиёли инсон ноҳақ тўхмат билан жазога мустаҳқил этилган бўлса? У амакисига кўйилган айблар олиб ташланиб, оқланган сўнг ҳам изланишда давом этди.

Ишни Отажон Ҳошимовнинг ижодий мероси, унга тегишли

ҳужжатларни тўплашдан бошлади. Амакиси томонидан қозоғга битилган мақолалар, рисоаларни синчиқлаб ўрганиб, тахрир қилиб, кирилл алифбосига кўчирди, тартибга келтирди. Чунки бу инсоннинг тақдири нафақат у учун, балки барча ёру биродарлар, қариндошлар, халқимиз учун ҳам сирлигича қолган эди.

Тарихимизнинг энг кир ва қора саҳифаларини варақлар экан, юзлаб бегуноҳ жонлар руҳи уни безовта этарди. Уша машъум йилларда ўзбек халқининг энг билимдон, иқтидорли ва юртсевар, халқларвар фарзандлари ноҳақ айбловлар билан қатл этилган экан. Қатагон ва қувғинлик йилларида инсон тақдири билан ҳеч ким қизиқмаган. Золим қизил империя миллионлаб маърифатпарвар инсонларнинг умрига зомин бўлганлигига гувоҳ бўларкан, қалби огрирди.

Энг ачинарлиси, ўша иймонсизлар истаган одамни ҳукмсиз ҳам отиб ташлайверганлар. Отажон Ҳошимов ҳам ана шундай аянчли қисматга дучор этилган экан. Миллатимизнинг жонфидо ўғлини 32 ёшда отиб ташлайдилар. Собиқ тузумнинг малайлари ҳаттоки ҳукми ҳам кутмаган. У отилган пайтда ҳали ҳукм ўқилмаган эди. Юртимиз фани ва маданиятининг зуқко ва билимдон арбобларидан бири шу тарихка ҳаёт билан видолашади.

Жонрид Қосимов амакиси ҳақида тўплаган материалларини матбуотда ёритиш, оммага етказиш учун ижодкорларга берар эди. 1975 йил профессор Ҳомид Ёкубов илк бор Отажон ака ҳақида мақола ёзиб, унинг муборак номини тиклашга ҳисса қўшди. Ё.Тўрақулов, Б.Назаров, Ҳ.Зиёвутдинова, А.Пўлатов, Ш.Турдиев сингари олим ва журналистлар бу бенезир инсон хотирасига бағишлаб мақолалар эълон қилишди.

Шу ўринда бу фидойи инсоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ёрқин хотираларга ўрин берасак. Отажон Ҳошимов 1905 йил Тошкентда деҳқон оиласида туғилди. 1918 йилга қадар отасининг ёнида меҳнат қилди. Илм олишга бўлган иштиёқ уни билим даргоҳи томон чорлади. Дастлаб эски ўзбек араб мак-

табиди, 1921 йилгача Маориф институтиди ўқиди.

Отажон Ҳошимовда улкан раҳбарлик салоҳияти ва юксак иқтидор бор эди. Қалбида илм олишга катта иштиёқ бўлган бу йигит ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан ажралиб турарди.

Отажон Ҳошимов халқимизнинг илму маърифатли бўлишини юракдан орзу қиларди. Мансаб пиллапояларидан дадил одимлаш баробарида ижод билан шуғулланишда ҳам давом этди.

1936 йилда уни халқ комиссарлиги қошидаги илмий кенгаш раиси лавозимига лойиқ кўришди. Самарқанд Педагогика институтининг ташаббуси билан ташкил этилганлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Инқилобчи шоир ва ёзувчиларнинг "Қизил қалам" адабий жамиятига раҳбарлик қилган. 1928-1929 йилларда жамиятнинг 2 та тўплами чоп эттиради. Ундан ёш ўзбек шоир ва ёзувчилари — Ойбек, Уйғун, Ҳ.Олимжон, Миртемир, таниқли ижодкорлар Фитрат ва Чўлпон асарлари ўрин олган. Тўпلامда унинг "Пролетар адабиёти ва адабий мерос", "Жадидлар адабиёти тўғрисида" сарлавҳали мақолалари ҳам бор эди. У Чигатой адабиётидан бутунлай воз кечмоқчи бўлганларни танқид қилиб, уни танқидий-тахлил ўрганиш фойдали эканлигини дадил айта олган.

О.Ҳошимов 1933 йил Ўзбекистон Фанлар комитетининг раиси ва тил адабиёт илмий тадқиқот институтининг раҳбари бўлиб ишлаган. 1933 йилдан нашр этила бошлаган "Социалистик илм ва техника", кейинчалик "Фан ва турмуш" журнални ташкил этишда бош-қош бўлиб, бош муҳаррир лавозимда ишлайди. У ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг фаоли бўлиш баробарида таниқли публицист ҳам эди. "Ўзбек фольклори ҳақида", "Ўзбек тили тараққиёти тўғрисида" каби мақолалари, "Евгений Онегин" таржимаси юксак эҳтирос ва маънавий жасорат ила битилган. Беназир ижодкор мамлакатимиз фан ва техника соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ҳолда 1937 йил ўтказил-

ган олимларнинг республика биринчи қурултойини ташкил этишда ташаббускор бўлиб, мазкур анжуманнинг адабиёт ва тил бўлими мажлисида "XX аср шоири — Элбек" мавзuida жўшқин маъруза билан қатнашади.

1937 йил 2 августда Отажон Ҳошимовни қамоққа олишади. Эртаси куни унинг уйида тинтув ўтказишиб, ижодкорга мансуб бўлган хатлар, дафтар, ён дафтарларни, 200 босма табоқ кўлэма асарларни олиб кетиб, йўқ қилиб юбордилар. Миллатпарвар ижодкорнинг энг эзгу ғоялари ўз аксини топган ноб дурдоналар олам юзини кўрмай, кулга айланади.

Интизорлик нима эканлигини биласизми? Суйган жигарбандининг йўлларига кўз тикиб тунни тонгга улаган онаизорнинг қалбидидаги нолаи зорни-чи? Лоақал ўғлнинг бир оғиз сўзини эшитиш учун жонини беришга тайёр турган муштипарнинг кўз ёшларини кўрганмисиз? Бундай лаҳзада йиғламасдан иложингиз йўқ.

Қизил империя ваҳшийлари 1938 йили 4 октябрь куни Отажон Ҳошимовни отиб ташлайди. Суд гувоҳларнинг ўтказилган, тергов жараёнидаги кўрсатмалар етарли деб топилган. У ўзига қўйилган барча айбларни рад этган бўлса-да, ҳукм ижро этилган. Ҳукм эса, орадан бир неча кун ўтиб ўқилган.

Ватани суйган, миллатини жонидан ортиқ кўрган фидойилар эса ҳеч қачон ўлмайдилар. Уларнинг муборак номлари ватан тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар ила битилади. Бундай миллатпарвар инсонлар халқнинг қалбидида абадий яшайди. Отажон Ҳошимов ана шундай миллат қаҳрамонларидан бири эди. У халқимизнинг қалбидида мангу барҳаётдир. Ёзмишимиз бу улуг инсон ҳаётининг бир саҳифаси, холос. Ишонамизки, бу фидойи инсон ҳақида жуда кўп бор ёзилади.

**Эрмухаммад ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги Фахрийлар
кенгаши раиси**

КИМНИНГ ДИР УЙ-ЖОЙИ БУЗИЛДИ

У ҳам уйсиз, ҳам пулсиз қолди,
бу одам нима қилсин?

Тахририятдан:

КЕЙИНГИ вақтларда фуқаролар томонидан адлия органларига энг кўп қилинаётган муурожаатлар айнан ана шу муаммони ўз ичига олганлигини кузатиш мумкин. Фуқароларнинг уй-жойларини бузиш тўғрисидаги маш-машалар ота-боболаримизнинг “Қушнинг ҳам уяси бузилмасин...”, деган ибратли нақлини бот-бот ёдга солади. Бизда эса инсонларнинг бошпанасини — уй-жойини бузиш салкам “мода”га айланиб бормоқда.



Шоҳидахон ЮЛДАШЕВА,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи:

Бугуннинг ана шу долзарб муаммоси қонунийлигимизда ўз инфоасини қандай топганлиги ҳақида Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Шоҳидахон Юлдашеванинг шарҳи билан танишинг:

— Фуқароларнинг уй-жойлари компенсация тўланмасдан бузилиши норозилик кайфиятининг авж олишига сабаб бўлади. Ачинарлиси, аксарият ҳолатларда бу вазиятда ҳуқуқий ечимларга муурожаат қилинмасдан, масалага қонуна ёндашилмайди.

Хўш, ер участкаларининг олиб қўйилиши, уй-жой бузилиши тартиби қандай? Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида батафсил белгиланган.

Биринчидан, ер участкалари фақатгина давлат ва жамоат эхтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатларга давлат ва жамоат эхтиёжи сифатида қаралади:

- мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар эхтиёжлари, эркин иқтисодий зоналар учун ерларни бериш;
- халқаро шартномалардаги мажбуриятларни бажариш;
- фойдали қазилмалар қонларини аниқлаш ва казиб чиқариш;
- автомобиль ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация ва авиатехника марказлари, темир йўл объектлари, кўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергетика ва электр, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш;
- аҳоли пунктлари бosh режаларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобига объектлар қуриш қисмида ижро этиш, шунингдек, қонунлар ва Президент қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

Иккинчидан, мулкдор кўрайдиган барча зарарлар компенсация қилиб берилиши керак.

Қуйидагилар компенсация қилиб берилади:

- олиб қўйилган ердаги кўчмас мулкнинг бозор қиймати;
 - олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;
 - кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;
 - бошқа харажатлар ва зарарлар.
- Ўзбошимчилик билан қурилган уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳам қопланиши лозим.
- Бузиб ташланган кўчмас

мулк ўрнига янги қурилатган кўчмас мулк объекти бериш мuddати бошқа кўчмас мулк объекти вақтинча фойдаланишга беришдан қундан бошлаб 24 ойдан ошмаслиги керак. Агар кўрсатилган мuddатда янги кўчмас мулк объекти берилмаса, мулкдорга ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,01 фоиз миқдорда жарима тўланади. Бунда жарима миқдори бузиб ташланган кўчмас мулк объекти қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Мазкур тартибларга риоя этилмаган ҳолда ер участкалари олиб қўйилишига ҳамда кўчмас мулк объектлари бузиб ташланишига йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши оқибатида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда

унинг кўчмас мулки бузиб ташлашга сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, БХМнинг 250 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатдан 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озошликни чеклаш ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб 3 йилгача озошликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ер участкалари олиб қўйилиши, кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш, фуқароларни кўчириш, шунингдек, компенсациялар беришда қонун талаблари ижросини назорат қилиш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

Қайси озиқ-овқат маҳсулотлари

САРАТОН ВА БЕПУШТЛИКНИ

келтириб чиқаради?

— МЕН клиникада жарроҳ-стоматолог бўлиб ишлайман ва кунига 20 нафардан 50 нафаргача беморни қабул қиламан, — дейди жарроҳ-стоматолог. — Сиз болаларингизга фаст-фуд, газланган ширин сув, чипс ва тайёр овқатларни сотиб олаётганингизда билингки, уларни саратон касаллиги марказига аъзо қилаётган бўласиз. Менга уч ёшида хали соғлом тишлари бўлмаган болаларни олиб келишди. Авваллари бу фалокат эди, аммо ҳозир оддий ҳолга айланиб улгурди. Илгари ишлаб чиқариш саноати ривожланган эди. Энди эса ҳаммаси автоматлаштирилган ва роботлаштирилган. Фарзандларингиз омон қилиши учун аклингизни ишлатишингиз керак. Дўкундан олинган ҳар қандай маҳсулот сиз ва фарзандларингиз учун зарарли касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Қуйидаги овқатларни иложи борича рақсионингиздан чиқариб ташлашга ҳаракат қилинг:

— натрий глютамат — бу ҳар қандай таомга ширин маза берадиган ва иштахани очадиган махсус тайёрланган тузидир. Шунинг учун натрий глютамат билан тўлдирилган барча ярим тайёр маҳсулотларни бола қанчалик кўп истеъмол қилса, шунчалик гиперфаол бўлади. Аслида эса бошқача. Одатда бола хотиржам бўлиши керак.

Кўп ҳолларда ота-оналар фарзандини нега бунча гиперфаол ва безовталигини тушунмасдан невропатологга муурожаат қилишди. Шифокор ҳам кўрик вақтида уларга тинчлантирувчи, кам ҳаракат қиладиган ва ялқов қилиб қўядиган турли хилдаги дори воситаларини ёзиб беради.

Ҳеч қачон кам фойзли ёғли маҳсулотларни харид қилманг — 15 ёки 20 фойзли сметана, ёғсиз сут, ёғ миқдори 82 фойздан кам бўлган сарёғни харид қилманг. Ёғ, творог, сметана, сут, творог ва сариёғ қанча ёғли бўлса, шунчалик табиий бўлади. Ҳақиқий табиий сметананинг таркибиде хар доим ёғ миқдори 25 фоиздан юқори бўлади.

Барча кам ёғли нарсалар генетик жиҳатдан ўзгартирилган ёки оддийгина гени ўзгартирилган маҳсулот ҳисобланади. Гени ўзгартирилган маҳсулотлар (ГУМ) саратон, ички органлар паталогияси, бепуштлиқ, келгуси авлод организмда ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин.

— Айтиш жоизки, бегона моддалар ўсимлик ва ҳайвонлар ирсиятига саратон шишини келтириб чиқарувчи агробактериялар орқали киритилади, — дейди биология фанлари доктори Ирина Ермакова. — Ўтказилган тадқиқот натижалари шунга кўрсатдики, биз у маҳсулотни секин ишловчи бомбага ўхшатдик. Россияда таркибиде ГУМ мавжуд маҳсулотларни тақиқловчи қонун қабул қилинган бўлса-да, бозорда бундай маҳсулотлар жуда кўп, — дейди эксперт.

Ҳамиртуруши нон, булочка, пирог ва умуман таркибиде ҳамиртуруш бўлган барча нарсалар секин таъсир қилувчи захардир. Ҳамиртурушсиз тайёрлаш усулини ўрганинг ёки фақат ҳамиртурушсиз нон сотиб олинг. Нонвойхоналарда ҳамиртурушсиз нонлар бор.

Кўпчилик товуқ ёки товуқ обектларини сотиб олади. Чунки бу энг арзон маҳсулот ҳисобланади. Иложи борича товуқни камроқ истеъмол қилиш зарур. У жуда кўп гормонлар ва антибиотиклар билан тўйинтирилган. Буларнинг барчаси тўқималарга жойлашади ва саратон касаллигини келтириб чиқаради. Шунингдек, мутахассис натрий глютаматни бутунлай тақиқлашни тақлиф қилган.

Ҳеч қачон палма ёғи маҳсулотларини харид қилманг. Энг арзон ёғ палма ёғи бўлиб, у фақат 38 даража ҳароратда қайта ишланади. Инсонларнинг ўртача тана ҳарорати 36,6 бўлганлиги сабабли, палма ёғи кон томирлари деворларига жойлашиб, қон томирлари ва юрак хуружларига олиб келиши мумкин.

Мадина ҲАМДАМОВА таржимаси

ИЗҚУВАР Шерлок Холмс образи ёзувчи ва шифокор Артур Конан Дойлнинг “Алвон йўллар аро тадқиқот” асаридеги илк қаҳрамон ҳисобланади. У қирк йил давомида Конан Дойл қаламига мансуб эллик олти та ҳикояни ўз ичига олган тўртта романинг бош образига айланиб, минглаб мухлисларини топди.


ШЕРЛОК ХОЛМС ҲАҚИҚИЙМИ?

Муаллиф ўз асариде Шерлок образини ўлимга маҳкум этган чоғда омманинг ғазабига сабаб бўлиб, йигирма мингдан зиёд киши адибнинг ҳикоялари босиб чиқариладиган “Странд” журналидаги обнуаларини бекор қилганининг ўзи Шерлокнинг қанчалик сезимли қаҳрамонга айланишини исботлайди.

Шерлок образи “бутун дунё тарихиде фильм ва китобларда энг кўп такрорланган қаҳрамон” сифатиде Гиннес рекордлари китобидан жой олди.

Конан Дойлнинг барча ҳикоялари сир ва гаройиботларга бой бўлса-да, муаллифининг ўзи ҳикоялари ичидан “Доғли тасма” ҳикоясини энг яхшиси, дея эътироф этади. Бу ҳикоя Елена Стонер исмило номининг Шерлок Холмс олдига паноҳ излаб келиши тўғрисидаги воқеа билан бошланади. Еленанинг синглиси икки йил олдин дахшатили ва сирли тарзда ўлим топган бўлиб, зулмкор ўғай отаси билан яшайдиган Елена ўз ҳаётининг хавф остиде эканлигини гумон қила бошлагач, изқувардан паноҳ излаб келади.

Хўш, ўғай ота синглини ростдан ҳам ўлдирган эдим? Ёки Елена алдаётган бўлиши мумкинми? Шерлок умид излаб келган аёлга ёрдам беришга улгурадимми ёки яна бир котиллик руй берадимми? Ҳикояни ўқиш давомида бу каби саволлар ўқувчи ҳаёлларида айланидан тўхтамайди. Мавҳум жумбоқларга бой асарларга қизиқадиган ўқувчилар учун асар тўғрисида эшитиш эмас, балки китобнинг ўзини ўқиб кўриш фойдали, албатта.



БУ ОБРАЗНИ ҲАҚИҚИЙМИ...